

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

ЛАКТО-G ФОРТЕ

Препаратнинг савдо номи: ЛАКТО-G Форте

Дори шакли: капсулалар

Таркиби:

Препаратнинг 1 капсуласи камида 5×10^9 КОЕ лиофилизация қилинган бактериялар сақлайди:

Lactobacillus acidophilus, *Bifidobacterium longum*, *Bifidobacterium bifidum*, *Bifidobacterium lactis*;

ёрдамчи моддалар: фруктоолигосахаридлар, гуруч мальтодекстрини, магний стеарати сақлайди.

Таърифи:

№0 ўлчамли қаттиқ капсулалар. Капсуланинг ранги: копоқчаси ва корпус – рангсиз. Капсула ичидагиси – сарғиш доғлари бўлган оқ кукун.

Фармакотерапевтик гурухи:

Овқат хазм қилиш йўллари ва моддалар алмашинувига таъсир килувчи препаратлар. Диареяга қарши микроорганизмлар. Сут кислотасини ривожлантирувчи микроорганизмлар.

АТХ коди: A07FA01

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Препаратнинг таркибига кирувчи сут ачитқи бактериялари ичак микрофлорасининг физиологик мувозанатини тутиб туради ва тиклайди. Бифидобактериялар ва лактобациллалар, сут ва сирка кислотасини ишлаб чиқариб, патоген микроорганизмларнинг кўпайиши ва яшаши учун ноқулай шароит яратади; овқат хазм қилиш жараёнида ва витаминларнинг (В, К...) синтезида иштирок қилади; электролит балансини, оксиллар, фосфолипидлар, ўт ва ёғ кислоталари, билирубин, холестерин алмашинувини бошқаради.

Табиий полисахаридлар – фруктоолигосахаридлар ичак бактериялари –эубиотикларнинг кўпайиши, колонизацияси ва яшаш фаолияти учун қулай муҳит яратади. Фруктоолигосахаридлар овқатни хазм қилувчи кислоталар таъсири остида парчаланмайди ва ўзгармаган ҳолда ичакнинг қуйи бўлимларига ўтади.

Қўлланилиши:

- ичак микрофлорасининг мувозанатини бузилиши – дисбактериозни (таъсирланган ичак синдроми) олдини олиш ва даволаш;
- антибиотиклар ва кимётерапия препаратлар билан даволаш вақтидаги болалар ва катталарда пайдо бўладиган дисбактериозлар;
- диарея, метеоризм, қабзият;
- колитлар, гастроэнтероколитларда (ўткир ва сурункали) қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари:

2 ёшгача бўлган болаларга бир капсула ичидагисини кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик (шарбат, ширин сув) билан аралаштириб, овқатдан олдин қабул қилиш буюрилади.

2-12 ёшли болаларга суткада 1-2 капсуладан овқат қабул қилишгача кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик билан қабул қилиш буюрилади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга суткада 2-3 капсуладан нахорга ёки овқатдан олдин кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик билан қабул қилиш буюрилади.

Даволаш давомийлиги дисбактериознинг ривожланиш сабаби ва организмнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Ножўя таъсирлари:

Препарат яхши ўзлаштирилади, тавсия этилган дозаларда қўлланганида ножўя таъсирлари қайд этилмаган.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири:

Бошқа дорилар билан Лакто-Г Фортенинг ноҳуш ўзаро таъсири аниқланмаган.

Махсус кўрсатмалар:

Препаратни қўллаш даврида алкогольни қабул қилиш тавсия этилмайди.

Ҳомиладорликда ва лактация даврида қўлланилиши
Препаратни ҳомиладорликда ва лактация даврида қўлланилиши хавфсиз ҳисобланади.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Препарат автотранспортни бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига ва юқори диққат концентрацияси қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши:

Дозани ошириб юборилиши симптомлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Чиқарилиш шакли:

Капсулалар, ўрамда 10 капсула. Тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга.

Сақлаш шароити:

Оригинал ўрамида 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати:

2 йил. Препаратни яроқлилик муддати ўтганидан кейин ишлатиш мумкин эмас.

Дорихоналардан бериш тартиби:

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

GM Pharmaceuticals LTD

Грузия, Тбилиси, Руставское шоссе 52

Тел.: +995 32 2404801/02; Факс: +995 32 2404803

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати
бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва
манзили:**

"GMP" МЧЖ ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., Мустакиллик проспекти, 75, Тел.:
141-03-73